
Экспортёрлар билан очик мулоқот ўтказилди

Ўзбекистон туманида Фарғона вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Экспортчилари уюшмаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ҳамда Ўзбекистон илмий-синов ва сифат назорати маркази - UzTest ДУК Қўқон филиали билан ҳамкорликда “Ўзбек маҳсулотларини дунё бозорига сифатли олиб чиқишга ўз ҳиссамизни қўшамиз” мавзусида очик мулоқот ўтказилди.

Учрашувда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортчи корхоналари вакиллари, тадбиркорлик субъектлари ва тегишли ташкилотлар мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда экспортёрларнинг фаолиятидаги ютуқлар билан ўртоқлашилиб, юзага келаётган муаммолари, таклифлари бўйича фикрлар алмашилди.



Жорий йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт ҳажмини ошириш чоратадбирлари, мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга сифатли тайёрлашнинг аҳамияти, хорижий харидор топиш йўллари ва соҳага доир бошқа масалалар бўйича масъуллар томонидан тақдимотлар ўтказилиб, керакли тавсия ва тушунчалар берилди.

Тадбиркорлар экспорт соҳасида мавжуд муаммолар ва уларни ҳал этиш бўйича ўз таклифларини билдириб, фаолиятларида юзага келаётган турли саволлар юзасидан масъуллардан жавобларни олдилар.

2024-02-22 11:38:44